

ЭПИК ДОСТОНЛАРДА ЖАНГ ТАКТИКАСИ ВА ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ

Бобур ЭЛМУРОДОВ

Қуrolли Кучлар академияси мустақил тадқиқотчиси

Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқилган Мудофаа Доктринасида миллий армиянинг фақат мудофаа мақсадларига хизмат қилиши қатъий белгиланган. Мустақиллик йилларида малакали ҳарбий мутахассислар тайёрлаш, уларнинг маънавий баркамоллиги, замонавий билимларини юксалтириш, ақлий салоҳиятини такомиллаштиришга алоҳида диққат қаратилмоқда. Демак, зиммамизда миллий меросларимиз асосида ўзбек ҳарбий жанг санъати тарихини ўрганиш, унда қўлланилган ҳарбий атамалар моҳиятини чуқур таҳлил қилиш вазифаси турибди. Қуйида қўшин тарихига оид айрим истилоҳлар ўтмишига эътибор қаратишни мақсад қилдик.

“Қўшун”дан “навкар”гача...

Бугунги кунда “Қуrolли кучлар”, “Армия” маъносида фаол қўлланаётган қўшин термини қўшун шаклида ўзбек тилига мўғул тилидан ўзлашган бўлиб, чингизийлар қўшинида ушбу истилоҳ махсус ҳарбий қисмни билдирган. Амир Темур қўшинида 50 тадан 1000 тагача бўлган аскарлар “қўшин”, ундан кўпроқлари “қўл” деб, қўшин бошлиқлари “сардор”, “амир” деб аталди. Буюк саркарда қўшинни етти қўлга ажратган, ўнг ва чап қўлни захира қўшин билан таъминлаган. Сарбоз ўзлашмаси форс-тожик тилидан ўзбек тилига кирган бўлиб, XIV-XV асрларда “аскар”, “жангчи” маъносини бирдирган (1). Амир Темур ва Темурийлар даврида “қўшин”, “армия” маъносини ифодалаш асосан Кўк турк ҳоконлиги ва Қорахонийлар замонида су истилоҳи билан ёнма-ён қўлланган чериг ҳамда форс-тожик тилидан ўзлашган *сипоҳ* терминлари зиммасига юклатилган, айрим манбаларда Хоразмшоҳлар даври ҳарбий терминлар тизимида фаол ишлатилган

арабча жайш истилоҳининг ҳам қўлланилганини кўриш мумкин. Амир Темур кўшинида турли туман, вилоят, ўлка, юртлардан олий фармонга кўра йиғилган отлик ҳамда пиёда жангчилар форсча-тожикча лашкар ўзлашмаси билан англашилган. Қорахонийлар хукмронлиги вақтида ўзбек тили ҳарбий терминологиясида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. VII-X асрларда қўлланишда бўлган қадимги туркий тилга хос истилоҳлар билан ёнма-ён янги тушунча ва маъноларни ифодаловчи терминлар муомалага кириб келди. Қорахонийлар салтанати қуролли кучлари тизими ва қурилиши хусусида маълумотлар асосан “Қутадғу билиг” ҳамда “Девону луғотит турк” асарида ўз аксини топган. Ҳозирги ўзбек ҳарбий терминологиясида *уруш* ва *жанг* истилоҳларининг меъёрлашуви натижасида қолган терминлар ўз аҳамиятини йўқотган. Айни шундай ҳолатни “ёв”, “ғаним” маъносини билдирган *ёв*, *ёғи*, *душман*, *хасм*, *ганим*, *адув*, *муҳолиф* маънодошлик уясида ҳам кузатиш мумкин. Ҳозирги ўзбек ҳарбий терминлари тизимида форсча-тожикча *душман* ҳамда ўзбекча *ёв* лексемалари меъёр саналади (2). Шунингдек, “уруш” ва “жанг” маъноларини ифодалашда ўзбекча *уруш*, *тўқиш*, *саваш*, *санчиш*, арабча *ҳарб*, *муҳораба*, *муқотала*, *жидол*, *қитол*, *масоф*, форсча-тожикча *разм*, *набард* ва *жанг* терминлари кенг қўлланилган (3). Бобур ва Шайбонийхон кўшинида “лашкар”, “аскар” маъносини ифодалашда *сипоҳ*, *чериг*, *лашкар* терминлари қатори, мўғулча *навкар* ўзлашмасининг қўлланиш даражаси ҳам анча баланд бўлган. Чингизийлар даврида *навкар* истилоҳи хон ёки бошқа мўғул раҳнамолари хизматида бўлган шахс (дружиначи)ларга нисбатан қўлланган. Тарих навкарларнинг мустақил корпус ва кўшинга қўмондонлик қилганлигидан далолат беради .

“Алп”, “ботир”, “ўғлон”дан мусиқа асбобларигача...

Алп – қадимий туркий халқларда икки кўшин ўртасидаги жанг бошланишидан аввал яккама-якка олишувда иштирок этувчи баҳодир жангчи, мубориз. Алплар кўшиннинг зарбдор кучи ҳисобланган ва уларнинг сони унча кўп бўлмаган. Алпларнинг қаҳрамонлиги, жасурлиги аксар ҳолларда жанг натижасини

ҳал қилган. У ёки бу алпнинг олишувда зафар кучиши ёхуд мағлуб бўлиши лашкарнинг кайфиятига, жанговор руҳига кучли таъсир кўрсатган. “Тарихий Табарий”да қайд этилишича, турклар черигида қонун тусига айланиб қолган бир одат бўлиб, унга мувофиқ яккама-якка жанг қилиш учун жанггоҳга тушган алп бир қўлида туғ тутган ва отнинг эгарида осиглиқ турган табл (довул-ноғоранинг бир тури)ни қоққан ҳамда ўз лашкаридан белгиланган узоқликдаги масофага келиб, ёв паҳлавони билан кечадиган олишувга шай турган. Шундан кейин иккинчи алп сафдоши (биринчи алп ҳалок бўлган тақдирда) қилган ҳаракатни айнан такрорлаган ва янада берироқ масофада келиб турган. Ниҳоят, учинчи алп жанггоҳга от суриб, довулини чалгач, бутун қўшин ёппасига ҳужумга ташланган¹.

Битта полвоннинг бутун қўшинни жангга чорлаши эпик дostonларда кўплаб учрайди. Бунда ботирнинг асосий мақсади душман лашкарларини саросимага солиш, уларнинг руҳини синдириш ва қўшинига руҳий устунлик олиб беришдан иборат бўлади. Кундалик ҳаётимизда “алп”, “ботир”, “ўғлон” сўзларига кўп бор дуч келамиз. Ёши улуғлар бежиз “*алп йигит бўлсин*”, “*билаги зўр ботир бўлсин*” дея дуо қилишмайди. Чунки бу сўзлар ўз даврининг ҳақиқий унвонлари эди. (“Алпомиш” дostonида Ҳакимбек алплик мақомини олгунича бир қанча мураккаб синовлар, хавф-хатарлардан ўтгани, руҳан ва жисмонан баркамолликка эришгани барчамизга маълум). Кўк турк хоқонлигида навқирон, ёш жангчилардан тузилган қўшин *Ўғлон* термини билан аталиб, уларнинг сони етти-ўн минг атрофида бўлган. Ҳар бир жангчининг жисмоний етуклиги ва жанговар салоҳияти индивидуал тарзда баҳоланиб, баҳодир, мард, паҳлавон аскарларга *алп*, *алпагу* унвонлари берилган. Ҳатто моҳир ўқ отувчи, яъни мерганлар ҳам *алп* унвонига сазовор бўлишган².

Энг асосийси, жангда матонат ва қаҳрамонлик кўрсатан аскар шарафли *ботур* унвонига муносиб топилган (Қиёсан олиб қаралганда ҳозирги “Мард ўғлон давлат мукофоти). Шу билан бирга, “жангчи”, “аскар” ва “қўшин” маънолари *чериг*

¹ Табари А. Д. История» ат-Табари» //Избранные отрывки (Перевод с арабского ВИ Беляева. Дополнения к переводу ОГ Большакова и АБ Халидова). Ташкент: Фан. – 1987.С. 20.

² Дадабоев Х. Ёдгоров Х. Ўзбек ҳарбий терминологияси. Илмий-услубий қўлланма. -Т.: Саҳхоф-2021. 51-б.

истилоҳи қатори *эр, эран* сўзлари билан ҳам ифодаланган. Жангчи бўлиб туғилиш, мардона курашиш, қаҳрамонларча ўлиш аксар аجدодларимизнинг бебаҳо ҳаёт тарзига айланган. Тадқиқотимизнинг асосий манбалари сифатида танланган “Юсуф билан Аҳмад” ва унинг узвий давоми саналган “Алибек билан Болибек” жангнома дostonлари ана шу анъананинг бардавомлигини мустаҳкамловчи, қонимиздаги ватанпарварлик ва шижоатни ошириб турувчи ўзига хос мотивация экани билан ҳам қимматлидир. Шу ўринда жангда ишлатилган мусиқа асбобларига эътибор қаратсак. Булар қадимий жанг анъаналари тасвири бўлиб, ҳар бир буюм ўзига хос маънони англатган. Ҳатто бугунги замонавий армиямизда ҳам байроқ – давлатнинг рамзи, карнай-сурнай эса ҳарбий оркестр гуруҳлари кўринишида яшаб келмоқда. Бизга нотаниш бўлган *замзама, добул, кус, шикоридабилбон* каби терминларга эътибор қаратсак. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да замзама атамасига шундай изоҳ берилади:

Замзама – (сугдийча – секин овоз билан ашула айтиш, хиргойи қилиш) – зардуштийларнинг маросим дуоларини оҳиста ва майин оҳангда ўқилиши;

2) ўрта аср мусулмон Шарқи тасаввуф анъаналарида шеър ва ғазалларни оҳанг билан ижро этиш шаклларида бири³.

Добил сўзи эса “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобида шундай таърифланади:

Добил (добул) – от эгари қошига боғлаб, маҳкамлаб қўйиб, жанг пайти ёки тўйда чалинадиган доирасимон мусиқа асбоби⁴.

Унинг довул шакли ҳам кенг қўлланилади. “Юсуф ва Аҳмад” дostonида шундай жумлалар учрайди:

Добил урай така-така,

Ғулғула тушсин фалакка⁵.

³Энциклопедияси Ў. М. 12-жилд //Тошкент:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 2006.22-б.

⁴Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати //Тошкент,: Ўзбекистон НМИУ. – 2020.631-б.

⁵Юсуф ва Аҳмад. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т.: 1987. 237-б.

Кус (арабчадан “тақиллатиш”, “урмоқ”) – зарбли чолғу, ноғора. Ҳарбий маросим мусикасида унинг ўзгариши – “кус-ноғора” – катта ноғора. Жанговар асбоблар гуруҳи таркибига киради. Унинг баланд овози мембранани иккита ёғоч таёқ билан уриш орқали чиқарилади⁶.

Шикори дабилбон эса гардишининг икки томонига тери қопланган катта шаклдаги довул, урма чолғу асбоби.

Қурол-яроғдан байроқча...

Шубҳасиз фольклор асарларида қаҳрамонларнинг жанговар қуролларига ҳам ўзига хос ракурсларда тасвирланган. Юқорида келтирилган қурол-аслаҳалар ичида бизга нотаниш бўлган биргина сўз учрайди – тўп-жазойил. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу атамага шундай таъриф берилади:

Жазойил – милтиқнинг бир тури; кичик тўп, замбарак. “Оғзи катта жазойиллар Отилди майдон ичинда”. (“Эрали ва Шерали”). “Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза, Зулм қилсанг, жазойилдан отаман” (“Рустам”)⁷.

Шу билан бирга, совут ҳар бир жангчи ҳаётида муҳим ўрин тутиб, аксар ҳолларда қаҳрамонлар курашларга совутсиз кирмаган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да совутга шундай таъриф берилади: Совут – танани найза, қилич ёки ўқ зарбидан сақлаш учун кийиладиган зирҳли ҳарбий кийим⁸.

Қадимда эса совутлар одатда ҳайвон терисидан қилинган, аммо баъзан темир ва бронзадан ишланган. Темир ва бронза совутлар жуда қиммат бўлган. Камончилар ва аравакашлар жанг пайтида ҳимояланиш мақсадида совут кийганлар, чунки уларнинг қўллари банд бўлгани учун қалқон кўтара олмасдилар. Баъзан жанг отларига ҳам совут кийдирилган. “Киравка” эса мажозан сарғаймоқни англатади. Юзи киравка бўлмасин – юзи сарғаймасин⁹.

⁶ Малкева А.А. Яқин Шарқ халқлари мусиқа асбоблари мусиқий-тарихий алоқалар жиҳатида: Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент, 1983. – 208-б.

⁷ Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати //Тошкент,: Ўзбекистон НМИУ. – 2020.66-б.

⁸ Энциклопедияси Ў. М. //Тошкент:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 2006.485-б.

⁹ Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари //Тошкент: SHAMS-ASA. – 2013.285-б.

Достонларда кўп учрайдиган “Қурол-яроғ” сўзи қур сўзидан ҳосил бўлган *қурчи* истилоҳининг дастлаб қўлланиши XIV асрга тўғри келади. Соқчилик билан шуғулланган *қурчи* кези келганда муайян аскарый гуруҳга раҳбар этилиб, ҳарбий ҳаракатларга жўнатилган. Амир Темур даврида мингбегига *туғ* ва *кавурга*, *кўрага* (карнай) нишон тарзида берилган, унинг ойлик маоши (*улуфа*) ўттиз отнинг баҳоси миқдорида белгиланган. Унга, шунингдек, чодир, дубулға, соябон, зирх, найза, қилич, садоқ, ўқ-ёй берилган. Дарвоқе, совут сўзига маънодош “*чоройна*” атамаси ҳам халқ оғзаки ижодида кенг қўлланилган. Жангчининг ўқ, тиғ зарбидан сақланиш учун баданига ўраб боғланадиган ҳарбий аслаҳа шундай аталган. У тўрт парча ясси металлни бир-бирига бирлаштириб ясалган. “Юсуф ва Аҳмад” достонида шундай мисралар келади: ...*Чоройна бошига қўйиб Аширбек, Ялтилатиб кетди нўлат совутни...*¹⁰ Достонларда кўплаб қаҳрамонларнинг доврўғ қозонган “Исфиҳон” қиличида жанг қилганига гувоҳи бўламиз.

Исфиҳон – *кескир тиг, қилич, ханжар. Ўтган асрларда Исфиҳон усталари ишлаган кескир тигларга нисбатан ишлатилган “исфиҳоний” сўзининг қисқариб от шаклига келгани*¹¹.

Демак, бу қилич тури асрлар оша ўз машҳурлигини йўқотмай, ҳатто достонларда ҳам донғи кетган.

Ялов истилоҳи дубулғанинг тепасига боғланадиган парча газмол (бантик)ни ҳам англатишда қўл келган. Ушбу маъно арабча *шуққа* ўзлашмаси билан ҳам ифодаланган.

Бу атама “Юсуф ва Аҳмад” достонида: “Найзаси гулгун яловли, Қиличи олмос қиловли¹² шаклида қўлланилади.

“Арғай ўт”дан “Чопкун”гача

Маълумки, жангга киришдан олдин туркийлар ёв лашкаргоҳи – *ўрдуси* жойлашган ерни аниқлаш ниятида айғоқчилик (разведка) ишларини олиб

¹⁰ Юсуф ва Аҳмад. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т.: 1987. 301-б.

¹¹ Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари //Тошкент: SHAMS-ASA. – 2013.284-б.

¹² Юсуф ва Аҳмад. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т.: 1987. 204-б.

боришган. Бунинг учун *ялма ёки елма* – махсус отликлар тўдаси фаолият кўрсатган. Ушбу отликлар гуруҳи айғоқчилик билан шуғулланиш қатори, аксарият вазиятларда душманнинг соқчиларига қўққисдан ҳамла қилиб, “тил” келтиришга ҳам хосланган. Асрлар оша саркардалар жангда ғалаба қозониш қўшин сонига эмас, кучли тактик усуллар, ҳарбий ҳийлалар билан боғлиқ эканини теран англаб етганлар. Шунинг учун ҳар бир қўмондон жанг учун стратегик қулай макон, об-ҳаво, разведка, чалғитувчи ҳарбий усулларга алоҳида эътибор қаратган. Узоққа бормайлик, XV асрда жанг-жадалларда кенг қўлланиб келинган айрим усуллар борки, улар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаслигимиз мумкин. Масалан, “Арғай ўт”ни олайлик. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да унга шундай таъриф берилади.

Арғай ўт (мўғулча *арга* – алдаш, туркча – *ўт, олов*) – турк-мўғул қабилалари ҳарбий санъатида қўлланилган усуллардан бирининг номи. Душманни чалғитиш мақсадида қўшин миқдорини бўрттириб, кўпайтириб кўрсатиш учун одатда оз сонли қўшин қўмондони ҳар бир жангчисига тунда бир қанча ерда гулхан, машғал ёқишни буюрган.

Масалан, Мирзо Улуғбек 1425 йилда Мўғулистонга қилган юриши чоғида қўшин миқдори ҳақида душман нотўғри тасаввурга эга бўлиши учун ҳар бир жангчисига тунда беш ерда гулхан ёқишни амр қилган.

Яна бир ҳийлакор усул борки, бу жангларда танг аҳволга тушиб қолган қўшиннинг жонига оро кирган. Гарчи бу усул бир қарашда талончилик сифатида таассурот қолдирса ҳам кўплаб подшолар айнан шу йўл билан мураккаб вазиятдан чиқиб кета олишган. “*Чопқун*” лашкарни омон сақлаб қолишга қаратилган ана шундай тактикалардан бири эди.

Бундай тактик амалиёт ғанимни ғулғулага солиш, эсанкиратиш, шу билан бирга озиқ-овқат, ем-хашак заҳирасини тўлдириш мақсадида амалга оширилган. Одатда, бундай хатти-ҳаракатлар бир неча йўналишда воқеланган. *Чопқун, чаповул,*

турктоз, татовул ва илгор истилоҳлари ёрдамида англашилган айни тактик усул чопқунчи, чаповулчилар томонидан ҳаётга татбиқ этилган¹³.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да бу атамага қуйидагича изоҳланади.

Чопқун (чопғун) – ўрта асрларда аксарият ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўшиннинг озиқ-овқати, ем-хашаги ва бошқа эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, қамалда қолган шаҳар, қишлоқ, қалъа, қўрғон ва ҳисор мудофаачилари тинқасини қуритиш мақсадида теварак-атрофдаги жойларга қилинган талончилик амалиёти.

Чопқунда бир неча юздан бир неча минггача отлик жангчилар иштирок этган. Бобур Мирзо Афғонистон ва Ҳиндистон юришлари вақтида бу усулдан унумли фойдаланган. Тарихий манбаларнинг қайд этишича, 1502 йилда Шайбонийхон Ҳисор ва Чағониён устига лашкар тортиб борганида, Ҳисор теварак-атрофини чопқун қилган. Унинг чопқунчи (юртовул)лари 100 минг қўй, 50 минг от, 50 минг асир ва бошқа нарсаларни ўлжа сифатида хон қароргоҳига олиб келганлар. Душман томоннинг ерлари, мол-мулкларини тунда талаш, унинг сафларига қўрқув ва ваҳима солиш ишларига мўлжалланган тезкор отликлар гуруҳи-*оқинчи* деб аталган. Душман юртига ҳужум уюштириб, у ердан турли-туман ўлжа-мол, ҳайвон, чорва келтиришга мўлжалланган отликлар гуруҳи Бобур қўшинида *чопқунчи*, Шайбонийлар лашкарида *йўртавул* (*йўртағул* – *йўрт* “йўртмоқ, тез ҳаракат қилмоқ”) терминлари билан юритилган. Бобур қўшинида ғанимнинг дон-дунлари, ғалласини қўлга киритишга хосланган отликлар *ошлиқчи* деб номланган. Бундай аскарларга топширилган вазифа маълум даражада чопқунчиларга юклатилган ишга яқин турган¹⁴. Дарвоқе, халқ эпосларида душманга кутилмаганда зарба бериб, уни ваҳимага солувчи махсус кучлар ҳақида ҳикоя қилинади. Қўққисдан ҳужумга ўтиб, душманни яқсон қилувчи махсус гуруҳлар “Шабгир”лар деб аталиб, улар тун бўйи ухламай фақат кечаси ҳужумга ўтишган. Чунки тунда улар қўрқинчлироқ усуллардан фойдаланиб, сон жиҳатдан устун ғанимни ҳам ер тишлатишган.

¹³ Дадабоев Ҳ, Ёдгоров Ҳ. Ўзбек ҳарбий терминологияси. Илмий-услубий қўлланма. -Т.: Саҳҳоф-2021. 96-б.

¹⁴ Магазаник Д. А. Турецко-русский словарь. – 1945. -С. 38.

Совутдан “жубба”гача...

Дарвоқе, фольклор асарларида қадимий туркий жангчиларининг ҳарбий қуроли ва кийимлари ҳам алоҳида тўхталиниб ўтилганки, уларнинг этимологияси замонавий тилшунослигимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аслида, туркий халқлар жангчиларининг қандай кийингани, қандай қуроолардан фойдалангани тўғрисидаги манбалар камёбдир. Аммо Амударё хавзасидан топилган сак жангчиси тасвири туширилган тилла жевакка қараб айрим хулосаларга келиш мумкин. Унга кўра туркий жангчилар белбоқларига *ақинак*, яъни 40-60 см.ли ханжар осиб юришган. Ақинакнинг пастки учи от минганда ёки пиёда юрганда халақит бермаслиги учун ёнбошга, тиззадан юқорироққа боғлаб қўйилган. Кўпгина жанг қуроолари асосан жангчининг белбоғига боғлаб юрилганини инобатга олсак, биз камар деб атайдиган мустаҳкам белбоғ эпик дostonларимизда “бувунчоқ¹⁵” – яъни устки кийим устидан тақилган мустаҳкам камар ўрнида ишлатилган. Шунингдек, жангчилар “*жеба*” деб аталувчи қалқон (яна бир номи “сяпар”), зирҳли кийим-кечак кийишиб, “*табар*¹⁶” – ярим доира шаклидаги болтасимон яроқ билан қуроолланишган. “Қуроол-аслаҳа” маъносидаги *яроғ (яроқ)* термини билан ёнма-ён арабча *силоҳ (салоҳ)* ўзлашмаси ҳам фаол қўлланишга кирган. Совутларнинг турли ашёлардан ясалиши уларни англатувчи истилоҳларда ҳам ифодасини топган. Чунончи, симдан тўқилган совут тури *жавшан* деб номланган, жавшаннинг устидан хитой шойисидан тикилган тўн кийилган, бундай ҳимоя тури билан таъминланган аскар *жавшанлиғ* термини билан аталган¹⁷. Биргина совутнинг 10 дан ортиқ тури бўлиб, вақт ўтган сари улар такомиллашиб, турли номлар билан атала бошланган. Масалан, Туркистон халқлари ҳарбий қўшинида жангчилар кийган совут темир симдан тўқилган бўлиб, устидан ипак, бахмал қопланган махсус уруш кийими – “бактар¹⁸” деб номланган.

¹⁵ Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари //Тошкент: SHAMS-ASA. – 2013. 275-б.

¹⁶ Ўша манба. 296-б.

¹⁷ Дадабоев Ҳ. Ёдгоров Ҳ. Ўзбек ҳарбий терминологияси. Илмий-услубий қўлланма. -Т.: Саҳхоф-2021. 114-б.

¹⁸ Энциклопедияси У. М. Ўзбекистон миллий энциклопедияси //Давлат илмий нашриёти. – 2000. – Т. 2000.40-б.

Кейинчалик ғуломлардан иборат енгил қуролланган жангчилар, эгнига оҳанпўш (темир совут), зирхпўш (пўлат совут), ойнапўш (кўзни камаштирадиган ялтирок металл парчалар билан қопланган совут, бошига дубулға ёки кулоҳпўш (учли мўйна қалпоқ) кийиб олган аскарлар ҳамда узоққа отар милтиқлар билан қуролланган ўқчи-отлиқлар отрядлари пайдо бўлган. Бундай отрядларнинг ҳар бири эгарларга ортилган бўлиб, юриб кетатуриб отишга мўлжалланган икки замбаракка ҳам эга бўлган. Қадимда туркий жангчилар *чарм кўкракпўш, дубулға, қалқон, совут, зирх, жавшан, жубба, ҳафтон, бактар* каби ҳимоя воситаларидан фойдаланишган. Отларнинг устига махсус ёпғич — баргуствон¹⁹ ёпилган. Шу ўринда “жашван²⁰” сўзига эътибор қаратсак. Уфорсча совут, зирх дегани. Қадимда ва ўрта асрлар жангчиларнинг асосий ҳимоя воситаларидан бири бўлган. Жавшан нисбатан оғирроқ. Дастлаб у жездан, кейинчалик темир ва пўлатдан ишланган. У баргсимон темир парчаларидан майин ҳалқа симлар ёрдамида тўқилган. Жашванни эгилувчан бўлиши учун уни махсус тайёрланган металл тахтачаларни бириктириб ҳам яшашган. Юқорида келтирилган мисоллар биринчидан, фольклор асарларида кенг қўлланилиши билан аҳамият касб этса, иккинчидан, ҳарбий терминларнинг махмун-моҳиятини кенгроқ ёритиш замонавий ҳарбий таълим учун ҳам муҳимдир. Чунки замонавий армиямизда қўлланилувчи кўплаб терминларнинг тарихий илдизлари бевосита халқ дostonларига бориб тақалади.

Изоҳлар:

1. Троицкая А. Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – Наука, Глав. ред. восточной лит-ры, 1968.115-б.
2. Жўраев М. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 томлик. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 48-б.
3. Дадабоев Ҳ. Ёдгоров Ҳ. Ўзбек ҳарбий терминологияси. Илмий-услубий қўлланма. -Т.: Саҳҳоф-2021. 101-б.

¹⁹ Ўша манба. 113-б.

²⁰ Дадабоев Ҳ. Ёдгоров Ҳ. Ўзбек ҳарбий терминологияси. Илмий-услубий қўлланма. -Т.: Саҳҳоф-2021. 132-б.